

**IV МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ
ИНТЕРНЕТ-КОНФЕРЕНЦИЯ**

**«ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ
НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ
В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ»**



ВЫПУСК 4

30-31 мая 2015 г.

г.Переяслав-Хмельницкий

ГОСУДАРСТВЕННОЕ ВЫСШЕЕ УЧЕБНОЕ ЗАВЕДЕНИЕ
«Переяслав-Хмельницкий государственный педагогический университет
имени Григория Сковороды»

Совет молодых ученых университета

Материалы
IV Международной научно-практической интернет-конференции
«Тенденции и перспективы развития науки и образования в условиях глобализации»

30-31 мая 2015 года

Сборник научных трудов

Переяслав-Хмельницкий – 2015

адабиётнинг, айнан мустақиллик даври дostonларининг муҳим омилларидан бири бўлиб, ушбу давр дostonчилигида ўзига хос муайян ифода имкониятларини намоён қила олди. Омоним ва ўзакдош сўзлардан фойдаланиш ижодкорлар учун ўз мақсадларини ифодалаш воситаси вазифасини бажарди ва ўз ўрнида тарихийликни, миллийликни, оҳангдорликни ва таъсирчанликни таъминлаш омили бўла олди. Улар асосан миллий кадриятларимиздан бири бўлиши диний кадриятларимизга бўлган муносабатни, бирликни, инсоний фазилятларни, шахс ички ҳис-туйғуларини акс эттиришга хизмат қилди. Ушбу ҳолатлар кўпроқ Абдулла Орипов, Тўлан Низом, Ойдин Ҳожиёва каби дostonнавис ижодкорларимиз ёзма дostonларида ўз аксини топган. Баъзида эса омонимларнинг киноя, кесатик ифодалаш воситаси сифатида берилишини ҳам учратишимиз мумкин.

*Сидиқжон Мўминов, Мухаммаджон Мамажонов,
Ойгул Ҳамдамова, Табассум Мўминова
(Фаргона, Ўзбекистон)*

ЖИСМ, ИСМ ВА ҲУСН

Табиатдаги ҳар қандай борлиққа ном қўйилгани каби, энг аввало “тана, организм” маъноларини англатадиган жисмга исм қўйилади. “Исмлар шахсларни оила, авлод, маҳалла, жамоа доирасида бир-бирдан ажратишга имкон беради.”¹

Ономастика (тилшуносликнинг атоқли отларни ўрганувчи бўлими)нинг киши номларини ўрганувчи соҳаси антрапонимика деб номланади. Кишиларнинг исми, фамилияси, ота исми, тахаллуси, лақаби, куня (киши исмига ҳурмат юзасидан қўшиб ишлатилатиловчи сўз)си эса антрапоним термини остида умумлаштирилади.

Тилшуносликнинг энг долзарб, энг қизиқарли бу бўлими доимо кишилар эътиборини ўзига тортиб келади. Бироқ: “...биз – ўзбеклар ўз исmlаримиз мазмунини билишни истаймиз. Шундай бир лугат бўлсаки, истаган ўзбек ўз исмининг маъносини топа олса. Нега шундай мукамал лугат йўқ?!...”²

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти ходимлари томонидан бундай саволнинг ўртага ташланиши ва унга жавобан ўзбек исmlари изоҳига оид дастлабки лугатнинг юзага келиши учун камида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган, давлатимиз мустақилликни қўлга киритган бўлиши объектив зарурат сифатида керак бўлди. Чунки таниқли исмшунос олим – филология фанлари доктори, профессор Э. Бегматовнинг муаллиф ва нашриёт ходимлари ҳамкорлиги натижасида 1998 йили юкорида кўрсатилган нашриёт томонидан чоп этирилган “Ўзбек исmlари” китобига нашриёт томонидан ёзилган кириш мақоласида айнан мана шу зарурат эътирофи этилади: “... Ўзбек исmlарининг аксарияти ислом дини тушунчалари билан боглиқ. Динимиз таъкиб остига олинган шўролар тузуми даврида бу ҳақда ўйлашиб ёзар ва гапирар эдик... Миллий истиқлол бу борада ҳам кенг имкониятлар очди...”³

Зеро, айнан истиқлол туфайлигина ўзлгимизга: тарихимиз, урф-одатларимиз, динимиз, тилимиз ва шулар билан боглиқ барча кадриятларимизга назар ташлаш, топталган “мен”лигимиз қаддини тиклаш имконияти тугилди. Давлат тили ҳақида Қонун қабул қилиниб, унинг махсус моддасида исм ва фамилия ёзилишининг ҳуқуқий ва имловий томонлари белгилаб берилди. Тилшунослигимизнинг барча тармоқлари каби исмшунослигимизга ҳам жиддий эътибор қаратила бошланди. Бу мавзуда қатор илмий ишлар ҳимоя қилиниб, туркум-туркум мақолалар, китоблар чоп этилмоқда.⁴ Бу ишларда ўзбек исmlари тарихи, исмнинг ҳудуд, дин

¹ Бегматов Э. Ўзбек исmlари. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991, 6- б.

² Бегматов Э.А. Ўзбек исmlари (14600 исmlар изоҳи).- Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат нашриёти, 1998, 3-б.

³ Ўша асар, ўша бет.

⁴ Қаранг: Бегматов Э. ва б. Ўзбек тарихий номшунослигининг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Т., 1992, № 5; Ҳусанов Н. ХУ аср ёдгорликлари тилидаги антрапонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. – Т., 1996; Раҳимов С. Хоразм минтақавий антрапонимияси. Филол. фанлари номз. дис. ...автореф. – Т., 1998; Самарқанд, 2007; Худойберганов Р. Ю. Ўзбек антрапонимияси тизимининг вариантдорлиги. Филол. фанлари номз. дис. ...автореф. – Т., 2008; Зиёвуддин Раҳим. Исм қўйиш одоблари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009; Кенжаева С.Э. Ўзбек антрапонимларининг семантик ва социолингвистик тадқиқи. Филол. фанлари номз. дис. ...автореф. – Т., 2011; Анданиёзова Д. Антрапонимларнинг лингвопоэтик хусусиятлари // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2014, № 4; Ҳусанов Н. Ўзбек антрапонимлари тарихи. – Т.: Наврўз, 2014.

билан боғлиқ томонлари, антрапонимлар вариантдорлиги, исмининг инсон шахсига, ҳатто тақдирига таъсир этиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар илмий мунозара майдонига олиб чиқилмоқда. Жумладан, 2009 йили “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси томонидан чоп этилган Зиёвуддин Раҳимнинг “Исм қўйиш одоблари” номли китобида фарзандга чиройли ва маънодор, бандалик маъносини англатувчи исм қўйиш лозимлиги, ёмон исмларни яхшисига алмаштириш зарурлиги, мўъминни лақаб билан чақиришнинг харом эканлиги каби масалалар тарихий манбалар асосида ёритиб берилди.

“Расулulloҳ алайҳи ва саллам ҳар бир соҳада кўркем бўлишни яхши кўрардилар, – дейилади ушбу китобда. – Чиройли ва озода кийиниш, юриш-туриш, гўзал кўринишга эга бўлиш ва шунингдек, чиройли исмга эга бўлиш у зотнинг бош шиорлари эди. Бирор мамлакатга элчи юборишда ҳам вакил қилиб юборилаётган одамнинг исмини сўраб, маъкул келса кейин жўнатардилар. Ўзга юртлардан келган элчиларнинг исмларини сўраб, агар исмлари у зотга хуш келмаса, уни яхши маъноли исмга ўзгартирар эдилар...”¹

Кўринадики, исм жуда кўп нарсани белгилайди. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз қадимдан бу ҳаётини масалага алоҳида эътибор қаратганлар ва ота-онанинг фарзанд олдидаги энг биринчи бурчларидан бири фарзандларига муносиб, чиройли исм қўйиш эканлигини қайта-қайта таъкидлаганлар. Жумладан, XI аср Шарқ оламининг нодир дурдоналаридан бири бўлмиш Кайковуснинг “Қобуснома” асарида бу ҳақда шундай дейилади: “Эй, фарзанд, агар фарзандинг бўлса, анга яхши от қўйгил, нединким, отадан фарзанд ҳақларидан бири, унга яхши от қўймоқдур...”²

Бу ҳақда профессор Н. Маҳмудов куйидагиларни ёзади: “Мусулмон боласининг қулоғи ташқи дунёга илк дафъа муборак азон саси билан очиладики, оиладаги бу маърака мурғак вужуддаги исломий ва инсоний руҳ тарбиясининг ибтидосидир. Шу покиза сас кетидан бегубор гўдак она тилида эшитадиган аввалги калом ўзининг ярашқили исми шарифидурким, ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, “тарбиянинг бири болага яхши от қўйиш бўлиб, уни оти билан чақирганларида, у уяладиган бўлмаслиги керак...”³

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов “Отдошларимга” номли шеърида ўзбек исмларининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалишлиги, халқимизнинг исм қўйиш одатлари, замон билан боғлиқ ҳолда исмлар ҳам ўзгариб, янгиланиб боришлиги, ўзбеклар овозлик, эркинликни хуш кўрадиган халқ эканлиги фарзандларига қўйган исмлардан ҳам англашилиб туришлигини шоирона маҳорат билан башорат қилган эди.⁴

Юқоридагилардан маълум бўладики, ота-боболаримиз исм ва унинг инсон шахси билан боғлиқ масалаларга узоқ ўтмишдан буён жиддий эътибор берганлар. Бироқ ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгунга қадар “ўзбек кишиларининг исми шарифи шахсий ва расмий ҳужжатларда, асосан, рус тилида ёзиб келинди ва амалда номнинг русча имловий шаклига устунлик ҳуқуқи берилди ... кўп ҳолларда номлар таваккалига ва асосан русча талаффузга мосланган ҳолда ёзилди...”⁵ Бундан ташқари “...шўро армиясида хизмат қилган Карим – “Коля”, Толиб – “Толик”, Баҳром – “Боря” бўлиб қайтар эди. Ўшанда бундай “эврилиш” ўзига хос эътироф, “ҳурмат” ёки ҳозирги урфга кирган тушунчага кўра, “имиж” саналарди. Бугун бундай галати “анъана” барҳам топди...” “Кейинги пайтларда ўзбекча бинойидек Комила, Камола, Райҳон, Ширин каби чиройли исмлар негадир Камила, Райҳона, Ширина...ларга айланиб боряпти...”⁶

Ўзбек тилшунослари олдида турган галдаги вазифа антрапонимларнинг функционал-услубий хусусиятларини, жумладан, исмларнинг нутқ услубларида қўлланилиши, сўзлашув ва бадиий услубдаги серкирра жилоларини: жисм, исм ва ҳусн учлигидаги тўлиқ очилмай қолган кирраларни илмий жиҳатдан тадқиқ ва таҳлил этишдан иборатдир.

¹ Зиёвуддин Раҳим. Исм қўйиш одоблари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009, 13-б.

² Кайковус. Қобуснома. – Т.: Ўқитувчи, 1986, 83-б.

³ Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиги. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012, 9-б.

⁴ Эркин Воҳидов. Бедорлик. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 43-45-б.

⁵ Бегматов Э. Ўзбек исмлари. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991, 6-б.

⁶ Ҳайдаров Б. Ўзбекчилик. – Т.: NOSHIR, 2012, 167-б.

СЕКЦИЯ: ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

<i>Барно Абдуллаева</i> НАСРНИНГ БАДИЙИ НУТҚДАГИ ТУРЛАРИ	226
<i>Барно Абдуллаева</i> НАСРДА ТИЛИНИНГ ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ (ТУРГУН ЎХШАТИШЛАР)	230
<i>Дулат Абилашим</i> ЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ КРАЕВЕДЕНИЕ И ШКОЛЬНЫЙ УРОК	233
<i>Гулдана Айтпенбетова, Меруерт Калдыбек</i> НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ИЗУЧЕНИЯ ЛИНГВИСТИЧЕСКОГО АНАЛИЗА ХУДОЖЕСТВЕННОГО ТЕКСТА В ВУЗЕ	236
<i>Кобилжон Акбаров, Гулиасал Муродова</i> ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	238
<i>Азизбой Ахтямов</i> ANALYSE DES BEGRIFFS «TEXT». TEXT IN AUFSCRIFTEN	240
<i>Oybek Barziev</i> SOME VIEWS ON UZBEK AND AZERBAIJAN POEMS AT THE BEGINNINGS OF 20 CENTURY	242
<i>В'ячеслав Божко</i> ОСОБЛИВОСТИ ПЕРЕКЛАДУ ВЕРБАЛІЗОВАНИХ РЕАЛІЙ У ТВОРАХ ДЖ.Р.Р.ТОЛКІНА	244
<i>Дильбар Досаева</i> СОМАТИЧЕСКИЕ ФРАЗЕОЛОГИЗМЫ В РУССКОМ И КАЗАХСКОМ ЯЗЫКАХ	246
<i>Ойжамол Зайлобидинова</i> МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ИНСОН МАДҲИ (ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛГАН БОБУР...)	247
<i>Авазхон Зияев, Азамжон Ихтиёров</i> РОЛЬ ОБРАЗНЫХ СРЕДСТВ В ПЕРЕДАЧЕ НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНОЙ СПЕЦИФИКИ	250
<i>Бекен Ибраим</i> СӨЗ ЖӘНЕ АҚЫН	252
<i>Алия Каппасова</i> САН-МӨЛШЕР МӘНДІ СӨЗДЕРДІҢ СӨЙЛЕМДЕ ҚОЛДАНЫЛУЫ	254
<i>Aliya Kappasova</i> MEASURE WORDS OF KAZAKH LANGUAGE CONNECTED WITH MEAL	259
<i>Қобилжон Кахаров, Мавлюда Кахарова</i> НЕМИС АЁЛЛАР НУТҚИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	260
<i>Umidjon Kuziev</i> THE ISSUE OF BORROWINGS AND LANGUAGE PURITY	261
<i>Муқаддас Қурбонова, Ёқутхон Қўчқорова</i> МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ДОСТОНЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН НЕОЛОГИЗМЛАР	263
<i>Муқаддас Қурбонова, Матлуба Холбекова</i> МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ДОСТОНЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ОМОНИМ ВА ЎЗАҚДОШ СЎЗЛАРНИНГ ЛЕКСИК- СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ	265
<i>Сидиқжон Мўминов, Мухаммаджон Мамажонов, Ойгул Ҳамдамова, Табассум Мўминова</i> ЖИСМ, ИСМ ВА ҲУСН	267
<i>Guliasal Murodova, Yulduz Ubaydullayeva</i> THE TRANSLATION OF PERIPHRAISIS FROM ENGLISH INTO UZBEK	269
<i>Бобуржон Ражавалиев, Зухриддин Жўраев</i>	